

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 11 (10.820)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 168-мактабда ўқувчилар ўқитувчилар иштирокида «Соғлом авлод—соғлом жамият негизи» мавзuida ўтказилган тадбир Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан уюштирилди.

● **ЎЗБЕК**—япон марказида Ўзбекистон Кар-соковлар жамияти ҳамкорлигида меҳрга муҳтож инсонлар учун компьютер саводхонлиги бўйича уюштирилган курс тингловчиларига сертификатлар топширилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси ИИВ ташаббуси билан ички ишлар ходимлари ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Ғоямиз—ҳимоямиз» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетиде «Ватан ҳимояси—муқаддас бурч» мавзuida ўтказилган тадбирда шаҳримиздаги ҳарбий қисмлар хизматчилари, талабалар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида Юнусобод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилган тадбир «Ватан ўғлонлари» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** фото уйида компьютер графикаси бўйича биринчи халқаро кўргазма ташкил этилди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги 289-мактабда чақириқ ёшидаги ўсмирларнинг ҳарбий хизматчилар билан учрашуви Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетида таълим самарадорлигини ошириш мақсадида Био тиббиёт техника йўналиши ташкил этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизда барча коммунал хизматлари кўрсатиш, жумладан, соҳага оид туман таъмирлаш ва авария-тиклаш ташкилотлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фонди, ижтимоий объектилар, муҳандислик тармоқларини кузги-қишги мавсумга тайёрлаш борасидаги ишларини мувофиқлаштирувчи махсус маркази доимий фаолият юритади.

Сизнинг таклифларингизни инобатга олган ҳолда ҳамда белгиланган тегишли ишларни ўз вақтида тўлиқ якунлаш, шунингдек аҳолини куз-қиш мавсумида иссиқлик, электр қуввати, ичимлик суви, газ билан мунтазам таъминлаб бориш мақсадида уй-жойлар тасарруфида аниқланган барча камчиликлар юзасидан Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ҳузурида янги ташкил этилган ва куну тун фаолият юритувчи диспетчерлик хизматига **0-55 ТЕЛЕФОНИ** орқали мурожаат этишингизни сўраймиз.

Мурожаатларингиз бўйича аниқланган барча камчиликлар юзасидан тезкор чоралар кўрилади.

Ишонамизки, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бевосита аҳоли билан бу борадаги ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ишларимизда қўлланган натижаларга эришишга асос бўлади.

«ЎЗАКЕЛЬ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ МАМЛАКАТИМИЗДА КАБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ САНАЛИБ, СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ТОВАРЛАРИ БИЛАН ХОРИЖДА ҲАМ ТАНИЛГАН. ШУ БОИС ҲАМ ЗАМОНАВИЙ ДАСТҒОҲ ВА УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН КОРХОНА ЦЕХЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ИККИ МИНГ ТУРДАН ЗИЁД КАБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ КАТТА.

Иқтисодиёт


РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ОРТАДИ



Хориж инвестицияларини киритиш асосида корхона цехлари янги технологик линиялар билан жиҳозланди, ишга малакали мутахассисларни жалб этишга муваффақ бўлинди. Натижада жаҳон андозлари даражасидаги рақобатбардош сим-кабель маҳсулотларининг буюртмачилар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхонада ишлаб чиқарилаётган кабель маҳсулотларининг юқори сифати ҳамдўстлик давлатлари, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Афғонистон сингари мамлакатларда ўтказилган нуфузли кўргазмаларда эътибор этилмоқда. Шу боис ҳам бу ерда тайёрланаётган кабель маҳсулотларига хориждан буюртмалар кўпаймоқда. Буюртмачилар сафида Бирлашган Араб Амирликлари, Озарбойжон, Грузия, Тожикистон, Россия, Қозғистон, Туркия,

Қирғизистон, Туркменистон ва Эрон давлатлари ҳам бор.

Ўтган йилда корхонада буюртмалар асосида ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, кабель маҳсулотлари турларини кўпайтириш мақсадида янги участка ва цехлар фаолият курсата бошлаши қўшимча ишчи ўринлари яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Натижада ўнлаб ишчи ўринлари ташкил этилиб, ишчи-хизматчилар сони 1500 нафарга етди. Шунинг баробарида жамоа аҳлининг ижтимоий ҳимоясига, меҳнат ва дам олиш шароитларига катта эътибор қаратилляпти. Корхонада тиббиёт санитария қисми, шинам ошхона фаолият курсатади ҳамда «Гулистон» ва «Садаф» дам олиш зоналари, «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандларининг масканларига айланган. Буларнинг барчаси



меҳнат самарадорлигини таъминлаб, маҳсулот сифати ортисида катта ҳисса бўлмоқда.

Жорий йилни яхши ниятлар билан бошлаган қўшма корхона тадбиркорлари буюртмалар портфели асосида маҳсулотларни ўз вақтида харидорларга етказиб бериш учун замонавий ускуналар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш цехларини ишга туширишни режалаштиришмоқда. Маҳаллий ҳамда Россия давлатидан келтирилган хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда тайёрланаётган зарур ва керакли сим-кабель маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга эришиш кўзда тутилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: корхона цехларида буюртмаларни вақтида ва сифатли тайёрлашга муваффақ бўлишмоқда.

«ТАНЛАГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН БОРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИ ХИТОЙ ҲАМИША Қўллаб-қувватлайди»

**ХИТОЙ ХАЛҚ
РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН
ҲАР ТОМОНЛАМА
ҲАМКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ
СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ
УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИДАН
БИРИ ҲИСОБЛанади.
ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ
ЯНВАР ОЙИДА ИККИ
ДАВЛАТ ЎРТАСИДА
ДИПЛОМАТИЯ
АЛОҚАЛАРИ
ЎРНАТИЛГАНИГА 15 ЙИЛ
Тўлди.**

Ушбу муҳим сана арафасида мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонаси томонидан Хитой ташқи сиёсий таҳлил марказларининг етакчи эксперт ва раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув уюштирилди. Унда икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш даражаси кўламлирига баҳо берилиши баробарида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлиқни янада фаоллаштириш бўйича таклифлар ўртоқлашилди. Хитойлик экспертлар Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни юқоқ баҳолаш экан, Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашда мамлакатимиз муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Тадбир давомида хитойлик меҳмонларга давлатимизда конституциявий қурилишни ривожлантиришда эришилаётган муваффақият-

лар, «Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатнинг модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари хусусида атрафлича маълумот берилди.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганига 15 йил тўлиши муносабати билан Пекинда ХХР сиёсат ва жамоат ҳамда таҳлилий эксперт доиралари, ШХТ котибияти ва дипломатия корпуси вакиллари иштирокида тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда маъруза қилган ХХР ташқи ишлар вазири ёрдамчиси Ли Хуэй таъкидлаганидек, 15 йил давомида икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорлик барқарор ривожланиб келаётди. Турли соҳалардаги ўзаро алоқалар мунтазам чуқурлашиб бормоқда.

Хитойлик меҳмонлар ўзбек халқи Президент И.А.Каримов раҳбарлигида ўз давлати муносабатларини мустахкамлаётгани ва ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил одимлаётганини таъкидлашди.

Ушбу тадбирлар Хитой оммавий ахборот воситаларида атрафлича ёритилди. Жумладан, «Синьхуа» ахборот агентлиги, «Жэньминь жибао» газетаси уларга ўз

муносабатларини билдирди.

«Жэньминь жибао» газетаси саҳифасида икки мамлакат ўртасидаги дипломатия алоқалари ўрнатилганига 15 йил тўлиши муносабати билан «Хитой—Ўзбекистон муносабатлари: ўзаро ҳамкорлик янада мустахкамланмоқда» сарлавхали мақола босилиб чиқди. Унда, жумладан, Хитой ва Ўзбекистон яхши қўшни, дўст ва ҳамкор эканлиги қайд этилди.

Хусусан, мақола муаллифлари шундай ёзди: «ХХР ва Ўзбекистон Республикаси сиёсий соҳада бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги янада мустахкамланмоқда. Жумладан, юқори даражадаги алоқалар ҳам ўсвчан мазмунга эга. 2004 йилнинг июни ойида ХХР раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Унда Хитой—Ўзбекистон муносабатлари бўйича муҳим масалалар, минтақа ва дунёдаги вазият юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва ХХР раиси Ху Цзиньтао томонидан «Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик муносабатлари, шериклик ва ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва мустахкамлаш тўғрисидаги декларация» имзоланди. Икки мамлакат тегишли идоралари ўртасида солиқни сақлаш, таълим ва энергетика соҳаларида яна тўққизта ҳужжат имзоланди».

«Жэньминь жибао»нинг таъкидлашича, 2005 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Хитойга буюрган давлат ташрифи чоғида икки давлат етакчилари «Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома»ни имзоладилар.

Ўзбекистон ва Хитой томони БМТ ҳамда ШХТ каби кўп томонлама тузилмаларда фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда, ўзаро ҳамжиҳатликда минтақа ҳамда жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга кўмаклашмоқда.

«Ўтган давр ичида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламлири салмоқли даражада кенгайди. Биргина 2006 йилнинг 7 ойи мобайнида икки томонлама савдо айланмаси 659 миллион АҚШ долларига етди...».

Ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистонни Хитой ҳаммаша қўллаб-қувватлайди,— деб ёзди «Жэньминь жибао».

Мақола интиҳосида икки давлат ўртасида мунтазам равишда кенгайиб бораётган ҳамкорлик муносабатлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва сайёҳлик соҳасидаги алоқалар торабора мустахкамланаётгани алоҳида таъкидланган.

«Жаҳон» АА
Пекин.

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона шаҳрида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида минтақавий семинар бошланди. Мамлакатимиздаги турли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, олим ва мутахассислар қатнашаётган мазкур семинарда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти атрафлича муҳокама этилмоқда.

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ Демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг тингловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

● Андижон вилоятилик заргар Қодиржон Фозилов билан қосибчиликни санъат асари даражасига кўтарган Нуриддин Хотамовнинг ижодий ишлари, буюмлари Қозғистоннинг Алмати шаҳрида очилган нуфузли кўргазмада юқори баҳоланди. Уларга ЮНЕСКОнинг сифат белгиси халқаро сертификати топширилди.

● Тошлоқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли ўқувчилар ижодиёт маркази ташаббуси билан «Сенга тухфамиз, Ватан» мавзусида ўқувчи-ёшлар форуми ўтказилди.

● «Ўзбектефильм» ижодкорлари ёзувчи Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» романи асосида 10 серияли телевизион фильмининг суратга олишни бошлашди. Янги фильмга Баҳодир Аҳмедов режиссерлик қилмоқда.

● «Ўзбек фотографияси 125 ёшда» антологиясининг иккинчи қисми нашрдан чиқди. Унда 1941 йилдан бошлаб 1990 йилгача бўлган 60 йиллик даврдаги мамлакатимиз ҳаётининг энг муҳим лаҳзалари олинган тасвирлар ўз аксини топган.

● Учқудудда туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Ишлаб чиқаришни ривожлантириш» ярмаркаси ташкил этилди. Унда 80 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини сотиш имконига эга бўлишди. Тадбир давомида тумanning иқтисодий аҳволини янада яхшилаш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида янги корхоналар очиш ва инвестициялар киритиш таклифлари билдирилди.

● Ўзининг қўлғу тўйини нишонлаш арафасида турган Марғилонда Янги йил ибратли ва хайрли иш билан бошланди. Бу ерда 1-оилавий поликлиника бутунлай қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Барча кулайликларга эга муассаса замонавий даволаш ва ташхис қўйиш тиббий анжомлари билан жиҳозланди.

● «Электроизолит» қўшма корхонаси 2006 йилда тармок учун зарур бўлган ўта ингичка базальт тола, ингичка базальт толали иссиқликни асровчи ўров материаллари, ёнмайдиган базальт плиталари, оловбардош ва кислотабардош гишт каби жами 760 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.



ЖАҲОНДА

● Кеча Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев парламентга бош вазир лавозимига Феликс Кулов номзодини кўриб чиқиш учун тавсия қилди.

● Россияда 15 январдан бошлаб муҳожирлар масаласида янги қоидалар кучга кирди. Унга кўра, эндиликда хорижлик фуқароларнинг мамлакат бозорларида савдо-сотиқ фаолияти билан шуғулланиши чекланади.

● Филиппиннинг Себу қурутотида бўлиб ўтган АСЕАНга аъзо давлатлар ва Хитой, Жанубий Корея, Янги Зеландия, Ҳиндистон ва Австралия ҳукумат раҳбарларининг учрашувида Осиё-Тинч океани ҳавзасида жойлашган давлатлар энергетика хавфсизлигини мустахкамлаш ва углеводород хом ашёсининг муқобилини топиш бўйича ҳамкорликда иш олиб бориш юзасидан шартнома имзоланди.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес 13 нафар янги вазир, жумладан республиканинг янги вице-президентини тайинлаб, иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаларини миллийлаштиришни таъминлаш керак бўлган ҳукуматнинг янги таркибини эълон қилди.

● Кеча Лос-Анжелесда Америка киноакадемиясининг «Оскар» мукофотлари топширилиши олдидан нуфузи жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи «Олтин глобус» мукофотининг турли номинациялар бўйича соҳибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Хусусан, «Вавилон» кинотасмаси «Йилнинг энг яхши фильми» деб топилган бўлса, Мартин Скорсезега «Йилнинг энг яхши режиссёри» соврини топширилди.

● Испаниянинг EL PAIS газетасининг ёзишича, Куба давлати раҳбари 84 ёшли Фидель Кастронинг ҳаёти хавф остида. У перитонит ва ичак яллиғланиши хасталиқларидан азият чекмоқда. Кубанинг ўзида эса бу ҳақда ҳеч қандай маълумот берилмапти.

● Россия Федерациясининг Калининград областида охириги икки ҳафта ичида олти марта кучли бۆрининг рўй бериши сув тошқинларини келтириб чиқарди. Натижада мактаблар ва боғчаларда таълим-тарбия бекор қилинди.

● Синьхуа ахборот агентлигининг хабарига кўра, 2006 йилда сотилган автомобиллар сони бўйича Хитой илк бор жаҳонда иккинчи ўринга чиқди. Ҳозирда Хитой машиналарининг катта қисми АҚШга сотилмоқда. Хитой автомобиль ишлаб чиқарувчилар бирлашмасининг маълумотларида кўрсатилишича, 2006 йилда Хитойда 7,22 миллион автомобиль сотилган.

Республика Байналмилал маданият маркази — 15 ёшда

Шу азиз Ватан — барчамизники

«Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз халқимизнинг ақл-заковати, унинг танланган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган халқлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва оёйишталигидир».

Ислом КАРИМОВ

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ОТАШИН ҚУРАШЧИЛАРИДАН БИРИ АБДУРАУФ ФИТРАТ БИР ШЕЪРИДА «ВАТАН САҶДАГОҲИМИД» ДЕГАН ЭДИ. ДАРҲАҚИҚАТ, БУГУН ШУ ТАБАРРУК ЗАМИНДА ЯШАЁТГАН ҲАР БИР ИНСОН ВАТАН ТҮЙҒУСИ, ҒУРУРИ, ФАҲРИ, ОР-НОМУСИ САҶДАГОҲДАЙ МУҚАДДАС, ПОК ВА УЛУҒ БЎЛИШНИ ТЕРАН АНГЛАБ ЕТМОҚДА. ВАТАНИМИЗДА ҲУКМ СУРИБ КЕЛАЁТГАН ТИНЧЛИК, ХОТИРЖАМЛИК, ТОТУВЛИК, ҲАМЖИХАТЛИК ҲЕЧ НАРСА БИЛАН ЎЛЧАБ БЎЛМАЙДИГАН БОЙЛИГИМИЗДИР. БИЗ УНИНГ ҚАДРИГА ЕТМОГИМИЗ, АСРАБ-АВАЙЛАМОГИМИЗ, УНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЎЗ ХИССАМИЗНИ ҚЎШМОҒИМИЗ ЛОЗИМ.



Ўзбекистон — умумий уйимиз

ТЕНГЛИК, ТОТУВЛИК, ҲАМЖИХАТЛИК — ШИОРИМИЗ

вофиқлаштирилмоқда, уларга таъкил қилинган бир оила фарзандларидек тинч-тотув яшаб келаётган турли миллат вакиллари билан маънавий-маданий эҳтиёжларини қондириш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида иш олиб бораётган Республика Байналмилал маданият марказининг 15 йиллик санаи катта байрам сифатида нишонланиши арафасида унинг фаолиятига бир назар ташладик.

— Республика Байналмилал маданият маркази (РБММ) ташкил этилганлигига 15 йил тўлди. Мамлакатимиз Президент Ислам Каримов ташаббуси билан таъсис этилган бу ташкилот мамлакатимизда миллатлараро тотувлигини таъминлаш, жамиятда бағрикенглик таъминлашнинг қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди биз билан суҳбатда марказ директори Насриддин МУҲАММАДИЕВ.

— РБММ ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган 140 дан ортиқ миллий-маданий марказлар фаолиятини му-

ига айланиб қолган десак муболаға бўлмайдиган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, учрашувлар, таниқли



маданият арбобларининг чиқишлари, семинарлар, конференциялар ўтказилиб келинади.

Биргина 2005 йили

«Ўзбекистон — умумий уйимиз» шiori остида ўтказилган дўстлик ва маданият фестивали ҳақида ҳар қанча гапириш мумкин. Миллатла-

гала-концерт эса 2005 йил 10 декабрь кунин Алишер Навоий номидаги академик Катта театр биносиди бўлиб ўтди.

2006 йилнинг 20 апрелидан 30 августига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Ватан — ягонадир, Ватан — биттадир» шiorлари остида дўстлик фестиваллари ўтказилди. 70 дан зиёд шаҳар ва туманда бўлиб ўтган бу санъат байрамларида деярли барча миллий-маданий марказларнинг бадий-хаваскорлик жамоалари иштирок этди.

Бу тадбирлар юртимиздаги миллатлараро тотувлик, бағрикенгликнинг ёрқин намоиши бўлди.

Шу йиллар мобайнида

РБММ томонидан 100 дан зиёд семинарлар, кўпалаб илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Республикаимизнинг барча вилоятлари, қатор шаҳар ва туманлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили», «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» шiori остидаги доимий ҳаракатдаги кўча семинарлар, «Тинчлик ва барқарорлик — тараққиётнинг бош омили», «Ўзбекистон Конституцияси: ҳуқуқ, бурч ва масъулият», «Миллий ғоя ва миллатлараро тотувлик масалалари», «Ўзбекистон Конституцияси ва демократик тараққиёт таъминлаш» каби мавзулардаги илмий-амалий анжуманлар бунинг ёрқин мисолидир.

Шунингдек, РБММ томонидан миллий-маданий марказлар учун кўпалаб йўриқномалар, 10 дан зиёд илмий рисола ва тўпламлар, шунингдек, мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва бу борада истиқлол йилларидаги ютуқларимизни акс эттирувчи «Ўзбекистон — умумий уйимиз» номли альбом-китоби нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Булардан ташқари миллатлараро муносабатлар мавзусига бағишланган 100 дан зиёд илмий-публицистик мақолалар нашр этилиб, кенг омма эътиборига ҳавола қилинди.

Инсонга берилган энг улугъ неъмат ҳаёт бўлса, инсоният интилиб келган энг улугъ мақсадлар тинчлик ва тотувлик, ягона мақсад атрофида бирлашиб олдинга интилишдир. Шундай экан, марказ ҳам миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқарони Ватан бахтсодати учун доимо масъулият сезиб, буюк мақсадларга эришиш йўлида тинч-тотувликда, ўзаро бағрикенглик ва ҳамжиҳатликда яшашга қорлаб келмоқда, десак янглишмаган бўламиз.

Шoиpa МУҲАМЕДОВА

Иқтисодиёт

СИФАТГА ЭЪТИБОР

МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШДА СИФАТГА ҚАРАТИЛГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ГАРОВ БЎЛИШИ ЎЗ-ЎЗИДАН АЁН. НЕГАКИ, БУГУНГИ ХАРИДОР, АЛБАТТА СИФАТЛИ ТОВАРНИ ТАНЛАЙДИ.

«FLIGHT» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорларининг ҳам маҳсулот тайёрлашда сифатга қаратган эътиборлари самара бермоқдаки, буни ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот турлари кўпайиб бораётганидан, харидорлар сафи кенгаётганидан ҳам билиш мумкин.

Бундан бир неча йил илгари ушбу кичик қорхона 6 та қандолатчи билан иш бошлаган бўлса, бугунга келиб уларнинг сафи 4 баробарга кенгайди. Ишлаб чиқарилаётган ширин-шаккар безакли торт, пирожний, хилма-хил печенелар 35 турдан ошди.

— Айрим қўшимчалардан ташқари қандолат маҳсулотларимизни асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб ишлаб чиқарамиз, — дейди қорхона раҳбари Нисо Мир Ҳафизулло. — Хориждан келтириб ўрнатган линияларимиз қувватидан унумли фойдаланамиз. Шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида усталаримиз ёшлардан шоғирдлар ҳам тайёрлашади. Айниқса, бу борада Отажон Оллоёров, Дилъа Акбарова, Нуриддин Мухамедов сингари моҳир усталаримизни алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг маҳоратлари билан тайёрланаётган маҳсулотларимиз харидорларга ҳар томонлама манзур бўлиши, шубҳасиз. Маҳсулотларимиз пойтахтимиздаги 20 га яқин савдо шохобчалари орқали харидорларга етказиб берилмоқда.

Келгусида эса тадбиркорлар анги-янгини маҳсулот турларини яратиш устида изланишмоқда. Мазаси оғзингизда қоладиган ушбу ширинликлар чинакамига дастурхонингизга безак бўлади.

ҲАВАСИНГИЗ КЕЛАДИ

ЧИНДАН ҲАМ МОҲИР ҚЎЛЛАРИНИНГ МЕҲНАТИ ЭВАЗИГА ЯРАТИЛГАН ШАРҚОНА БУЮМЛАРИНИ КЎРГАНДА ҲАМ ФАХРЛАНАСIZ, ШУНИНГ БАРОБАРИДА МОМОЛАРИМИЗДАН ЎЛМАС МЕРОС БЎЛИБ ҚОЛАЁТГАН, ЖИЛОСИЮ ГУЛЛАРИ, ТУРФА НАҚШЛАРИ КЎЗНИ ЯШНАТУВЧИ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ЭЪЗОЗ ТОПАЁТГАН ҲУНАР ЭГАЛАРИГА ҲАВАСИНГИЗ КЕЛАДИ.

Негаки, улар матоларга ипаклар билан жило бериб қадриятларимизни эъзозлайди, миллий урф-одатларимизга меҳримизни оширади. Хусусий тадбиркор Шоира Садриддинова ҳам попоп тикиш сирларини буви ва онасидан ўрганган. Бугунги кунда эса фарзандлари ҳамда маҳалладаги қиз-жувонларни ҳунар сирларидан воқиф этмоқда, маҳсулотлари билан эътибор қозонмоқда.

— Биз тикаётган келин-куёвлар учун либослар, сўзана, ёстик жилдлари, гулқўраларга нафакат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳлар ҳам харидор бўлишади, — дейди Шоира она. — Айниқса, ўтган йилда маҳсулотларимиз турлари ортди. Зардузлик ва каштачилик ҳунари асосида тикилган турли йил сумкача, елпигич, ҳамён, чойнак ёпқичлар ва бошқа эсдалик совғаларимиз барчага манзур бўлмоқда.

Шoрофaт БAХPOМОВА

Транспорт

«ОТАЙЎЛ» АВТОБУСЛАРИ КЎПАЙДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «ЧУҚУРСОЙ АВТОКОРХОНА»НИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК НЕГИЗИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ. УНДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ СОНИ АНГИЛАРИ ҲИСОБИДАН ТАҒИН ҲАМ ОРТДИ.

— Бизнинг жамоамиз «Отайўл» русумли микроавтобусларда ҳам аҳолига транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда, — дейди автокорхона раҳбари Баҳодир Султонов. — Ҳаракат таркибини бундай замонавий ва қулай транспорт воситалари билан бийитиш мақсадида яна бештасини харид қилдик.

Шу билан бирга мавжуд автобусларни туб таъмирлашга ҳам асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Шу йилнинг ўзига моҳир мутахассис ва чилангарларимиз кучи билан олти автобус янги ҳолатга келтирилди. Уларнинг фойдаланиш умрини узайтиришда ҳайдовчиларимизнинг ҳам ҳиссалари бор, албатта.

МАВСУМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

ҲАР ЙИЛДАГИДЕК БУ САҒАР ҲАМ «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ ҚОРХОНА ВА САРОЙЛАРИДА ҚИШ МАВСУМИГА КАТТА ТАЙЁРЛИК КЎРИЛДИ. БУ ЭСА ҚИРОВЛИ-СОВУҚ КУНЛАРДА ҲАМ АҲОЛИГА БИР МАРОМДА НАМУНАЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ УЧУН ПУХТА ЗАМИН ЯРАТДИ.

«Биринчи автосарой» жамоаси ҳам қиш мавсумига барча транспорт воситаларини тайёр ҳолга келтирди. Эндиликда саройдаги 100 дан ортиқ автобус йўналиш бўйича катнамоқда.

Бундай ижобий ҳолини 3,4 ва 8-автосаройлар фаолиятлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Учинчи трамвай депои ҳайдовчиларининг ҳам юзлари ёрғум бўлмоқда.

КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАДБИРЛАР

БУ ГАЛГИ ЁНГИН ҲАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМИДА ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН ЁНГИН-ТЕХНИКАВИЙ ТЕКШИРУВЛАР ЎЗ ИЖОБИЙ САМАРАСINI БЕРДИ.

Республикаимизда халқ ҳўжалиги объектларида ёнгини ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида уюштирилган бу оммавий тадбир доирасида Тошкент метрополитени бекалари ва деполарида ҳам назорат қўйатирилди. Ер ости темир йўлини қўриқлаш ички ишлар бошқармаси ёнгини ҳавфсизлиги бўлинимаси томонидан белгиланган режалар тўла олд этилди. Кўпалаб талабдан иборат тақдимнома оммалаштирилди. Ёнгиндан огоҳлантирувчи тизимларни туб таъмирлаш учун 60 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Бирламчи ўт ўчириш воситаларини харид қилиш учун эса 10 миллион сўм сарфланди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, метрополитен бошқаруви ёнгини-техникавий тадбирлари учун ҳар йили ўртача 60-80 миллион сўмлик маблағ ажратмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Дил изхори

ВАТАНДАН ЎЗГА БАХТ ЙЎҚ

Берта ДАВИДОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— Миллатим яхдуд бўлса ҳам ўзимни ўзбек қизи деб биламан. Умр йўлдошим Раҳимжон Маҳмудов ҳарбий врач эдилар. Ўлим Эркинжон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида кафедра мудири бўлиб ишлайди. Бир нафар набирам бор.

Ўғлим, келиним ва набирам ардоғида, она-Ўзбекистоним, тинч-осойишта хонадонимда кексалик гаштини суриб, ҳеч кимдан кам бўлмай, ҳаётимдан мингдан минг рози бўлган ҳолда умрғуздорлик қилиб келмоқдам. Илоҳим, юртимиз то абад тинч-осуда, осмонимиз мусаффо, барча халқлар, элатлар тинчлик-омонликда бўлишсин.

Турсунат ХОЛБЕШ, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Биз яшаётган юрт — мустақил Ўзбекистон турли миллат вакиллари билан ора-умидларини рўёбга чиқарган, шонли тарих ва буюк келажакка эга бўлган улғувор хонадон. Биз, айтиш жоиз бўлса ҳар биримиз ўз фаолиятимиз, амалий ишларимиз билан ушбу хонадонга яна ҳам нурафшонлик, яна ҳам фаёз бахш этишимиз лозим.

Президентимизнинг узокки кўзлаб олиб бораётган доно миллий сиёсати туфайли бошқа миллатлар қатори биз ҳам ўз миллий-маънавий қадриятларимизни, тилимиз ва маданиятимизни сақлаш ва ривожлантириш учун барча имкониятларга эга бўлдик.

Халқларимиз азал-азалдан қондош ва жондошдир. Юртбошимиз айтганларидек, «Биз улкан чинорнинг шохларимиз». Бугунги кунда ҳудудимизда 627 тадан ортиқ қозоқ мактаблари, Тошкент, Ангрэн, Навоий, Гулистон, Нукус шаҳарларидаги олий ўқув юрталари қошида эса қозоқ мактаблари учун мутахассислар тайёрлайдиган махсус факультетлар фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон телевидениесида «Дидар» кўрсатув, радиода қозоқ тахририяти иш юритади. «Ўзбекистон» нашриётининг «Асил мур» бўлимида қозоқ тилида китоблар чоп қилинади, шу тилда «Нурли жол» газетаси чиқиб турибди.

Истардимки, миллатлараро дўстлик қон-қардошлик туйғулари янада ривожлансин, озод ва обод юртимизга асло кўз тегмасин.

Наталья ШИМАНФИ, пенсионер:

— Шу юрда туғилиб ўсдим, оилали, болачақали, касб-корли бўлдим. Маҳаллада яшайман, ўзбекларнинг барча урф-одатларини яхши биламан. Бизнинг кучимиз, бойлигимиз ҳамжиҳатликда, бир-биримизнинг урф-одатларимиз, байрамларимиз, анъаналаримизга ҳурмат билан ёндошимиздадир.

Хозирги ёшларга ҳавасим келади. Бугунги кунда уларнинг униб-ўсиши, маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишига катта эътибор қаратилган. Бизнинг вазифамиз ҳам уларни асл ватанпарвар, юртига, Президентига садоқатли қилиб улғайтиришдир, деб биламан.

Мен мамлакатимизда доимо тинчлик-тотувлик, ўзаро бағрикенглик, ҳамкорлик ҳукм суришини тилайман.

МАҲАЛЛА—ТАРБИЯ ЎЧОҒИ, ЭЗГУЛИК, ҚАДР-ҚИММАТ БЕШИГИ, ЎЗARO ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК, ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК МАСКАНИ. ШУ БОИС БУ ГЎШАЛАРДА ЯШОВЧИЛАР АҲИЛ-ИНОҚ ТУРМУШ КЕЧИРИШГА ҚАНЧАЛИК ИНТИЛАР ЭКАН, МАҲАЛЛА ҲАМ ШУНЧАЛИК ФАЙЗЛИ ВА НУРЛИ БЎЛИБ БОРАВЕРАДИ.

Шаҳримиздаги қайси бир маҳаллага борманг, юқоридаги фикрлар бежизга келтирилмаганига ғувоҳ бўласиз. Айниқса турли миллат вакиллари билан бир оила фарзандларидек тўй ёки маъракада елкама-елка туришлари, йиқилганда сўяб, яхши кунларида камарбаста бўлишлари кишида ажиб ҳавас, шўкроналик уйғотади.

Хусусан, Яккасарой туманидаги «Туркистон» маҳалласига йўлингиз тушса бир кириб ўтинг. Обод ва шинам бу масканда 6200 нафар 27 та миллатга мансуб аҳоли ҳавас қилса арзийдиган даражада тинч-тотув яшаб келмоқдалар.

— Маҳалламизда ўтказиладиган ҳар бир тадбир, учрашув ва ҳар соҳада бўладиган ўзгаришлар фоллар, қолаверса ҳудудимизда истиқомат қиладиган аҳоли билан ўзаро келишилган ҳолда, маслаҳатлашиб

ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК, ДЎСТУ БИРОДАРЛИК ТУШУНЧАСИ ҲАР БИРИМИЗ УЧУН НАҚАДАР АЗИЗ ВА ҚАДРЛИЛИгини ЯХШИ БИЛАМИЗ. РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ТОПГАННИНГ 15 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНДИГАН КҮН АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР ЖАМИЯТЛАРИ КЕНГАШИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ҲАМКОРЛИГИДА «ЎЗБЕКИСТОН» ДЭБ НОМЛАНГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ ЎҚУВЧИЛАР ҚЎЛИГА ЕТИБ БОРДИ.

ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Дўстлик, ҳамжиҳатлик улғуланган, мустақил юртимизда ҳар соҳада олиб борилаётган кенг камровдаги изчил ислохотлар қаламга олинган, таниқли сиёсатчи, атоқли адиб, ёзувчи, турли миллат вакиллари билан ушбу журнал ўйлаймизки ҳар қандай зукко ўқувчи талабига жавоб бера олади. Журнал саҳифаларидан ўрин олган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Дахлдорлик» сарлавҳаси остида берилган мақоласи

Маҳалланг — ота-онанг

ЭЗГУЛИК, ҚАДР-ҚИММАТ МАСКАНИ

амалга оширилади, — дейди биз билан суҳбатда «Туркистон» маҳалласи фуқаролари йигини раиси Маъруф ака Адхамов. — Яқинда поёнига етган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида маҳалламизда катта ишлар амалга оширилди. Хусусан барча қулайликларга эга бўлган гузар қурилди, фарзандларимизнинг соғлом бўлиши, спорт билан шуғулланишлари учун стадион қурилиб фойдаланишга топширилди. Кексақош 45-оилавий поликлиника шифокорлари томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди. Ногирон болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан ҳақиқат хабар олиб турилади, уларга моддий ва маънавий кўмак қўрсатилади. Айтмоқчиманки, маҳалламизда моҳирлари қолатлар, ажрашиллар деярли йўқ. Бир қатор комиссиялар фаолиятдан аҳоли мамнун. Маҳалла ютуқларида айниқса хотин-қизлар комиссияси раиси Феруза Нуритдинова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Раъно Ман-

нонова, уруш фахрийлари, кекса, нуронийлар билан иш олиб борувчи Жамила Ортиқова, посбонлар сардори Хожиаббар Шоумуродов, фоллардан Анатолий Пак, Тамара Коломенцова, Тамара Литвинова-ларнинг ҳиссаси катта.

Айтиб ўтиш жоизки кейинги йилларда давлатимиз, шахсан Қўртбошимиз томонидан маҳалла тизимига бўлган эътибор туфайли ушбу тузилма кундан-кунга ривож топиб, обрў-эътибори ҳам ортиб бормоқда. Шунингдек, аҳоли ўртасида миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни тиклаш, яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиб, дўсту биродарликда ҳаёт кечиришда ҳам маҳалланинг ўрни бекибсдир.

Озод ва обод юрдагина мана шундай фаровон ҳаёт, ўзаро бағрикенглик ўз ифодасини топади, маҳалларимиз кундан-кунга қирғи очиб, эл-улусни ўз бағрида бир оила фарзандларидек жамлаб янада тараққий этаверсин.

Азиза МУҲАМЕДОВА


МЕҲРИ ДАРЁ ҲАЛҚ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

МЕН 1946 ЙИЛДАН БҮЁН ТОШКЕНТДА ЯШАЙМАН. ШУ ЕРДА ЎҚИДИМ, УЙЛАНДИМ, ИШЛАЙМАН. УСТОЗЛАРИМ, ДЎСТЛАРИМ, СУҲБАТДОШЛАРИМ, СИРДОШЛАРИМ ҲАМ ЎЗБЕКЛАР. МЕН НИМАГАКИ ЭРИШГАН, НИМАГАКИ ЕТИШГАН БЎЛСАМ, БАРИСИ МЕҲРИ ДАРЁ, БАҒРИ КЕНГ ЎЗБЕКЛАР ТУФАЙЛИДИР.

«Гулистон» журналининг 2002 йил 1-сонидида «Ўзбекнинг қирғиз фарзандлари» деган мақолам босилган эди. Унда етимхонада ўсиб, Ўзбекистонда тарбияланиб, вазир, давлат режа қўмитаси раиси даражасига етган ва кейинчалик Қирғизистон Вазирлар Кенгаши раиси бўлиб ишлаган Исҳоқ Раззаков, Тошкент вилоятида биринчи раҳбарлик даражасига кўтарилган, профессор Азиз Тўхтабоев, Мирзачўлда «чўл маршали» лақабини олиб йилгига 20-25 минг тонна пахта етиштирган жамоа ҳўжалиги директори Саттор Усмонов, ўттиз йилдан кўпроқ прокурор лавозимда ҳалол ишлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Мустафокўл Мухаммадиев, йигирма йилдан ортиқ Матбуот қўмитасининг раиси, кўп йиллар республика газеталарининг муҳаррири бўлиб ишлаган Зияд Есенбоев тўғрисида ёзган эдим. Уларнинг ҳаммаси фидокорона меҳнатлари билан элда обрў-эътибор топган, Ўзбекистонни она юртим, деб эъзозлаган шахслардир.

Ота-онани танлаб бўлмаганидек, Ватанни ҳам танлаб бўлмайди. Ота-боболаримиз Ўзбекистонни Ватан тўтиб, янглишмаган эканлар. Чорвадор халқ бўла туриб, деҳқончиликнинг сир-асрорларини ўрганиб олди, сабзавот-кор бўлиб қолди. Энди икки маданиятга, икки тилли халқимиз. Илоҳ, меҳри дарё, бир бурда нонини ҳам ёр-дўстларидан дариғ тутмайдиغان ўзбек халқи билан қон-қардошлигимиз абадий бўлсин!

Суюн ҚОРАЕВ, география фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



Ижтимоий ҳимоя йилида туман ижтимоий-таъминот бўлимининг вазифалари, режалари ҳақида сўзлаб беришни Чилонзор туман ижтимоий-таъминот бўлимининг бошлиғи Умида Рихсиевадан илтимос қилдик.

— Умида Хамидуллаева, сўхбатимиз аввалида Хомийлар ва шифокорлар йилида бўлим томонидан олиб борилган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Республикада ёши улугларга, ногиронларга, қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга беминнат ёрдам кўрсатиш, оғирини енгил қилиш бугунги кунда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими ҳодимларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Яқунланган, Хомийлар ва шифокорлар йилида туманимизда истиқомат қилувчи 33043 нафар пенсия ва бошқа турдаги нафақа олувчиларга хизмат кўрсатди. Бўлимда фуқароларимизги пенсия ва нафақа тайинлаш ва тўлаш масалалари билан бевосита 29 нафар мутахассис шуғулланади.

2006 йил давомида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга биноан 1740 та пенсия ва 116 та ижтимоий нафақа тайинланди.

— Шу уринда болаликдан ногиронлик нафақасини олувчиларга хизмат кўрсатиш, суюнчи пули, пенсия ишларини қайта ҳисоблаш масаласига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бўлимимиз рўйхатида бугунги кунда 16 ёшгача болаликдан ногиронлик нафақасини олувчилар 601 нафарни ташкил этади ва уларга нафақаларини мунтазам олишлари бора-сида бўлим ҳодимлари имкон қадар ўз ёрдамларини аямаётирлар. Бундан ташқари 344 нафар ишалайдиган оналарга бўлим томонидан бола тўғилиши муносабати билан суюнчи пули тўланади. 242 нафар пенсионерларнинг пенсия ишлари қўшимча ҳужжатлар асосида қайта ҳисобланади.

— Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш борасида қандай ишлар олиб боришмоқда?

— Бўлимимиз 2006 йил мобайнида Республика Президентининг аҳолини ижтимоий

муҳофаза қилишга қаратилган Фармонлари ва бу борадаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, шунингдек, шахар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг қарор, буйруқ ва кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиб, муайян натижаларга эришмоқда.

Умуман олганда, қаерда қонун устувор бўлса ва унга виждонан риоя қилинса, ушарда моддий ва маънавий ривожланиш, ишда кут-барақа, муваффақият бўлади. Тузаётган ҳуқуқий давлатимиз ва жамиятимиз биздан ҳар бир қонунга алоҳида эътибор бериши-

уларга тенглаштирилган шахслар, меҳнат фахрийлари, ногирон пенсионерлар доимо диққат марказимизда.

Утган йилда улардан 591 нафари сиҳат-гоҳларга йўлланмалар билан таъминланиб, ушбу ишларга 76 830 000 сўм маблаг сарфланди.

— Маълумки, 2006 йилнинг 7 сентябрда республикада Президентининг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижти-

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов қариб келаятган 2007 йилни юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилдилар ва давлат Дастурини ишлаб чиқиш бўйича кенг жамоатчиликка, давлат ва нодавлат ташкилотлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотларига ўзларининг амалий тақлифлари, фикр-мулоҳазалари билан иштирок этишни тақлиф қилдилар. Бу борада туман бўлимининг режалари қандай?

— Ўзбек модели деб ном олган ва бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлининг мамлакатимиз Президентини томонидан белгилаб берилган беш тамойилининг бири — кучли ижтимоий сиебат олиб бориш масаласидир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб белгиланиши, давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойиши халқимизнинг ижтимоий муҳофазаси билан шуғулланувчилар олдига жуда катта вазифалар қўяди.

Туман бўлими ҳодимлари Президентимизнинг «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш» устувор вазифамиздир» номли маърузаси ва қайд этиб ўтилган фармойишни мутолаа қилиб, тегишли вазифаларни белгилаб чиқмоқдалар. Бунда асосий мақсад ижтимоий ҳимоя тизимининг самардорлигини оширишга, аҳоли ночно қатламларининг турли тоифаларига, биринчи галда ёлғиз, кекса фуқаролар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган баловатга етмаган болаларга кўрсатилмаган ёрдамни кўпайтириш, уларнинг эҳтиёжларини янада тўлиқ қондирилишини таъминлаш, уларга моддий ва маънавий мадад кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалланинг ролини кучайтиришга қаратилди.

— Қизиқarli, сермизум сўхбатингиз учун ташаккур. Кутлуг режаларингизнинг амалга ошишига тилакдошимиз.

Сўхбатдош Шавкат ЁҚУБОВ

Карор ва ижро

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ: ЯНГИЛИК ВА ИМТИЁЗЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАХНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БЮДЖЕТ ВА СОЛИҚ СОҲАЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ БАҲҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Бу эса солиқ тизими фаолиятининг янада очиқ ва ошқоралигини таъминлаш ҳамда унификация қилиш имконини бериши билан бирга, корхоналар зиммасидаги солиқ юкни сезиларли даражада енгиллаштиришга хизмат қилапти.

Солиқ сиебатини такомиллаштириб бориш ҳар бир солиқ тўловчининг солиқ тўлашдан бўйин товланмасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиши учун барча шарт-шароит яратаетир.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетте параметрлари тўғрисида»ги қароридида бунга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур қарор асосида солиқ қонунчилигига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, бюджетнинг 2007 йилги параметрлари тасдиқланди.

Бунда солиқ юкни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўтказиш, тўғридан-тўғри солиқлар саломогини қамрайтириш ҳисобига билвосита солиқлар улушини кўпайтириш назарда тутилган. Солиққа тортишининг ўхшаш базасига эга солиқларни бирхиллаштириш, солиқ механизмининг соддалаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи ресурс солиқлари ставкаларини мақбуллаштириш, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ва бошқа заҳиралар ҳисобидан солиқ солиш базасини кенгайтиришга ҳаракат қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизматида УЗА муҳбирига маълум қилишларича, иктисодиётимизда солиқ юки таъсирини янада пасайтириш ва корхоналар иктирида қоладиған фойда ҳиссасини ошириб бориш доимий эътиборда. Бу йўналишда солиқ юки йилдан-йилга пасайиб бораётти. Жумладан, бундан бир неча йил аввал ўттиз фоиздан ортиқ ставкага амал қилинган бўлса, у боқимчи-боқимчи пасайтирилиб, ўтган йили 12 фоизгача туширилди. Жорий йилда эса у ўн фоиз этиб белгиланди. Демак, юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкаси эндиликда 10 фоизни ташкил этади.

Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг реал даромадларини ошириш давлатимиз сиебатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар миқдори ҳам йилдан-йилга пасайтирилмоқда. Иш ҳақи фондида солиқ юкни пасайтириш ва аҳоли даромадларини леғаллаштириш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромадларига соли-

мизни, бурчимизга масъулият билан қарашимизни талаб қилади.

— Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғизларга кўрсатилмаётган саҳоватга ҳам тўхталсангиз.

— Жуда яхши саволни бердингиз. Туманимиз бўлими ҳисобида ёлғизлар ҳам бўлиб, уларга хомийлар, бўлим ҳисобидан мунтазам ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, 71 нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғизлар хомийлар ҳисобидан 385 609 сўмлик доридармон билан таъминландилар, 70 нафарига 2 026 972 сўм миқдоридида 49 нафарига санот моллари шаклида 266 846 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

— Пенсионерлар, уруш қатнашчиларига сиехаттоҳларга йўлланмалар қай тарзда ажратилди?

— Уруш ногиронлари, қатнашчилари ва

мой хизмат кўрсатишини янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури» тўғрисидаги Қарори эълон қилинган эди. Ушбу қарорни бажариш борасида туман бўлими қандай ишларни амалга оширишни режалаштирмоқда?

— Туман бўлими қайд этиб ўтилган қарор, Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Тошкент шахар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг буйруқ ва қарорлари асосида бўлимининг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Ундан 2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишини янада кучайтириш ва бу тизимни такомиллаштириш, ёлғиз фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатишни ривожлантириш ўрин олган.

тўлови ставкаси 13 фоиздан 10 фоизга пасайтирилди.

Солиқ солиш тизими ва тартиб-бини соддалаштиришга доимий аҳамият бериб келинган. Шу мақсадда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи, воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхоналар, харид ва таъминот-сотиш корхоналари учун илгарти тўлаб келинган солиқлар ва мажбурий тўловлар ўрнига ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби жорий этилди.

Бу тоифадаги солиқ тўловчилар учун соддалаштирилган солиқ солишининг ягона тартиби ўрнатилишига йўл очди. Эндиликда бешта солиқ тури ва мажбурий тўловлар ўрнига ягона солиқ тўлови тўланади. Ҳисоб-китоб ишлари ҳам анча соддалашади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва дорихоналар пластик қарточкалардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатса, ягона солиқ тўлови бўйича амалдаги ставкадан ўн фоизга пасайтирилган ставка бўйича солиқ тўлайди.

Бу йўналишда ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) улушини эркин алмаштириладиган валютасида экспорт қилувчи корхоналар сотишининг умумий ҳажмида — товар улуши 15 дан 30 фоизгачани ташкил этса, белгиланган ставка ўттиз фоизга пасайтирилади. Шунингдек, бундай улуш ўттиз ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса, белгиланган ставка эллик фоизга пасайтирилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан алоҳида турдаги молия ва банк хизматлари кўрсатувчи корхоналар 2006 йилнинг 1 апрелидан ўч йил муддатга даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилинган эди. 2007 йилдан микроомиявий ташкилотларига (шу жумладан, кредит уюшмаларига) ҳам ушбу имтиёз жорий қилинди.

Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 24 фоизга туширилди. Оғир юк машиналари ва кўп ўринли автобусларни сотиб олиш ёки вақтинчалик олиб кириш учун йиғим миқдори 20 фоиз ўрнига 6 фоиз қилиб белгиланди.

Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нота-риуслар, тайёрлов ва таъминот корхоналари, брокерлик фаолиятини амалга оширувчилар ҳамда комиссия шартномаси бўйича хизматлар кўрсатувчи каби корхоналар учун ҳам тегишли солиқ ставкалари белгиланди.

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси асосида изчиллик билан амалга оширилаётган солиқ сиебати ишлаб чиқаришининг ўсиши, аҳоли реал даромадларининг кўпайиши ва иктисодиётимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Норгул АБДУЛМОНОВА,
ЎЗА шарҳловчиси



ЯРИМ АСР ЁНМА-ЁН

ИНСОН БУТУН УМИР МОБАЙНИДА БОСИБ ЎТГАН ҲАЁТ ЙЎЛИНИ САРҲИСОБ ҚИЛАР ЭКАН, МАЗМУНИ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ БИЛАН УМР КЕЧИРИБ, ЯХШИЛИК, ЭЗГУЛИК УРУГЛАРИНИ СОБИЕ ЯШАГАН БЎЛСА, АЛБАТТА БУНДАЙ ОДАМЛАР ЎЗ ҲАЁТИДАН КЎНГЛИ ТЎЛАДИ. КЕКСАЙАНДА ЭСА ҚИЛГАН МЕҲНАТЛАРИ, МАШАҚҚАТЛАРИ, ФАРЗАНДЛАРИГА БЕРГАН ТАРБИЯСИ ЎЗ МЕВАСИНИ БЕРАДИ. МЕҲНАТЛАРИНИНГ МУКОФОТИНИ ОЛАДИ.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик институти, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Жисмоний тарбия институти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш биразлими, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан фалсафа фанлари доктори, профессор, Давлат мукофоти совриндори, ёзувчи — Тилаб Маҳмудов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дилбар Маҳмудовнинг 70 йиллик таваллуд кўнлари муносабати билан анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дилбар Маҳмудова қаламига мансуб «Ярим аср ёнма-ён» деб номланган эссе-хизматини тақдимиоти ҳам ўтказилди. Тақдимиот маросимида таниқли санъатшунос, адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва журналистлар иштирок этдилар. Йиғилишда Олий Махлис Қонунчилик палатаси қўмитасининг раиси Хуршид Дўстмухаммад, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов, шоира Турсунбой Содикова ва бошқа кўпжа таниқли ёзувчилар, шоирлар сўзга чиқиб, ҳаётда бир-бирларига қўшқанот бўлган ижодкорларнинг серкирра ижодлари ҳақида, шунингдек, янги нашрдан чиққан «Ярим аср ёнма-ён» китоби тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Таъкидлаш жоизки, Дилбар Маҳмудова умр йўлдоши Тилаб Маҳмудов билан ярим аср мобайнида ёнма-ён яшаб, ўзаро сўхбатларда унинг ҳаёт, ижод, адабиёт ва санъат ҳақида айтган фикр-мулоҳазаларини қўндалиларига ёзиб юрган. Мазкур китоб ана шу хотира-таассуротлар меvasи сифатида дунёга келган. Илмий-публицистик ва адабий-бадий тасвири биллаштирувчи, ўзбек маданиятида янгилик ҳисобланмиш ўзига ҳос жанрда яратилган бу мақмуа таниқли олим ва ёзувчи Тилаб Маҳмудовнинг инсон ва шахс, ижодкор ва жамоат арбоби сифатида шаклланиш ва улайиш жараёнларини ҳар томонлама очиб берган.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ушбу китобга ёзган сўзбошисида қўндагиларини таъкидлади: «Дилбар опа ҳақиқатан меҳр-муҳаббат, истеъдод ва меҳнат жаҳончиларини жамлаган маънавий хазина тўплаган. Дилбар Маҳмудовнинг ютуғи шундаки, у хотираларини айтиш билан чекланмапти. У ёзувчи ижодий жараёнининг тадқиқотчи-сига айлиб бораётгандай. У Шукру Холмйрзаев ибораси билан айтганда «Истисно ёзувчи» Тилаб Маҳмудовнинг ҳар бир асари қандай тўлоқларда дунёга келишини хайрхоҳ, ўтир қўли тадқиқотчи нигоҳи билан қузатиб, қроғозга тушириб борапти. Бу китобнинг яна бир жиғити мамнуният билан тилга олгим келади. Унда маънавиятимиз, маданиятимиз осмонидида машаллабди ловуллаб ёнган, ҳар бир асари билан халқимиз юрагини титратган рассом Абдулҳақ Абдуллаев каби улуг инсонлар билан бўлган мулоқотлар, сўхбатлар борки, бу биз каби бу даҳо инсонларни кўрмаган, билмаган ўқувчиларга уларни яқинлаштиради. Абдулҳақ Абдуллаев, Шукру Холмйрзаев каби улуг устозларимиз ҳаётидан олинган лавҳалар одамни ҳаяжонга солади, ўйга толдиради».

— Ҳаётда қалам созиға тушмайдиған нарсанинг ўзи йўқ,— дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дилбар Маҳмудова.— Дунё учун ҳамма вақт мавзу этади, Булардан энг муҳимларини танлаб олиш ёзувчи иктидори, диди ва дунёқарашига боғлиқ. Фан ва адабиёт, санъат, маданиятимиз оламида қанчалаб катта истеъдодлар оламдан ўтиб кетдилар. Уларнинг касб-корларигагина оид манбалар сақланиб қолган, холос. Уларнинг оила даврасидаги, фарзандлар тарбиясидаги, дунёни англашдаги ўзларига ҳос фикр-мулоҳазалари, инсоний фазилатлари каби қанчалаб яхши хислатлари албатта бўлган. Уларнинг яқинлари бизга шулар ҳақида хотиралар, эсдаликлар ёзиб қолдирганда улар ҳақида мукаммал маълумотга эга бўлардик. Бундай алломаларнинг ижоди ва ҳаётини ўрганувчилар учун ҳам, тарих учун ҳам бебаҳо хазина бўларди. Бундай эсдаликларни биз билан ёнма-ён яшаётган, бирга ишлаётган дўстлик, қадрдонлик ришталари билан боғланган ҳар бир истеъдод эгаси ҳақида бўлишини орзу қиламиз.

Шуни таъкидлаш керакки, ярим аср ёнма-ён бир-бирларига қўшқанот бўлиб келаятган Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудовларнинг қаламига мансуб «Умр шомидаги бахт» номли спектакль ҳам кўпчилигининг эътиборини қозонган. Мазкур тантана арафасида театр снҳаси яна бир спектакль билан бойиди. Анжуман якунида Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудова қаламига мансуб янги «Омонат дунё» номли спектаклининг тақдимиоти бўлиб ўтди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган анжумандан лавҳа.

Владимир Гранкин олган сурат

Санъат

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИДА «МИЛЛИЙ МУСИҚАМИЗ МАҚСАДЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИНИНГ 11 НАФАР КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

— Мазкур тадбирни ўтказишимиздан асосий мақсад,— дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам Абдуллаев,— 2006 йилда бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш ва 2007 йилда амалга ошириладиган мақсад ва вазифаларимизни белгиллаб олишдан иборатдир. Ўтган йил уюшмамиз учун жуда долзарб ва қизгин ижод йили бўлди десам муболага қилмаган бўламан. Чўнки, 120 нафардан ортиқ бастакорларни ўзига бирлаштирган жамоамиз билан ҳамкорликда халқаро фестиваллар, Республика кўриктанловлари, ёш бастакорлар ва дирижёрлар танловларини ўтказдик. Шунингдек, республикамизнинг ҳар бир вилоятида ёш музикачилар билан учрашувлар ҳам ўтказилди. Бу йилги режаларимиз ҳам анчагина, мақсадиимиз эса ҳар бир кўнгилга музиканинг сеҳрли овозини олиб кириш, қуй ва қўшиқ орқали инсонлар юрагига энг гўзал ҳис-туйғуларни уйғотишдан иборатдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоблари Ҳабибулла Раҳимов, Равшан Юнусов, Дилором Омонул-лаевалар ўзларининг тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

«ОСИЁ» ТАРОНАЛАРИ

ШАҲРИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «ОСИЁ» ГУРУҲИ ЖАМОАСИ ҲАМ ШУ КУНЛАРДА ПОЙТАХТДАГИ МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИДА БОЛАЛАР УЧУН ЎЗЛАРИНИНГ КОНЦЕРТ ДАСТУРЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДАЛАР.

— Гуруҳимиз фольклор йўналишида фаолият юритади,— дейди гуруҳ раҳбари Мурот Қосимбеков.— Сафимизда 12 нафар ижодий ҳодимлар биз билан фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Ўтган йил бизга жуда сермақсул ва омадли келди. «Осиё» гуруҳи «Она дери оҳанглари» республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан эса Халқ ҳаваскорлик жамоаси унвони билан мукофотландик ва бундай эътибордан жуда мамнуним.

«НАСТАРИН» НАВОЛАРИ

«НАСТАРИН» ГУРУҲИ ЎЗИНИНГ ДИЛТОРТАР КҮЙ ВА ҚЎШИҚЛАРИ, СЕҲРЛИ ВА ЖОЗИБАЛИ РАҚСЛАРИ БИЛАН НАФАҚАТ РЕСПУБЛИКАМИЗДА, БАЛКИ ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА ҲАМ ЎЗИГА ХОС НУФУЗГА ЭГА.

Гуруҳ раҳбари Ангелина Ли ташаббуси ва савй-ҳаракатлари билан ўтган йиллар мобайнида анчагина ютуқлар, танловларнинг олтин ва кумуш медаллари қўлга киритилди. Бугунги кунда ҳам жамоа қизгин меҳнат кучоғида. Янги йил ва қишқи таътил муносабати билан шаҳримизнинг деярли барча ўқув юртлари ва Меҳрибонлик уйларида ўз концерт дастурларини намоийш қилиб, мухлислар қалбини янада нурафшон этдилар.

Мазкур гуруҳ шаҳримиздаги 23- музика мактаби қошида ташкил қилинган. Мактаб директори Олим Мўҳиддинов «Настарин» гуруҳининг юксалишида ва мухлислар қалбидан жой олишида астойдил ёрдам бериб қалмоқда. Зеро, гуруҳ ижросидаги дилбар наволарнинг мамлакатимиз ва чет-элларда янграши изланиш, интилиш ва машаққатли меҳнатни талаб қилади.

Гулчеҳра ДҲРДИЕВА

Спорт янгиликлари

ҲОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЭКВАНДО ҲАМ ЁШЛАР ОРАСИДА ТОБОРА ОММАЛАШИБ БОРМОҚДА. БУНИ КУНИ КЕЧА ШАҲРИМИЗДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ТАЭКВАНДО БЎЙИЧА МАМЛАКАТ ОЧИҚ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ ҲАМ ИСБОТЛАБ ТУРИБДИ.

7-17 ёшлар ўртасида ўтказилган баҳсларда Тошкент шаҳри Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятлардан келган умидли ёш спортчилар иштирок этишди.

Мурасасиз ва қизқарлик кечган беллашувлар якунида Рамазон Умаров, Камол Шомуродов ва Бехруз Махаммадиевларга ўз вазнлари тоифасида тенг келадиган рақиб топиланди.

Умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Қашқадарё жамоасига насиб этган бўлса, шаҳримиз вакиллари 2-ўрин билан қифояланишди.

Турнир якунида голиб ва совриндорларга эсдалик совғалари ва совринлар топширилди.

ПОЙТАХТЛИКЛАР — ШОҲСУПА ТҮРИДА

ШАҲРИМИЗДА БОКС БЎЙИЧА ЁШЛАР ЎРТАСИДА МИХАИЛ ФРАНКО ХОТИРАСИ УЧУН УЮШТИРИЛГАН ТУРНИР ПОЙТАХТЛИК ЁШ ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар жамоалари ўртасида 12 вазн тоифасида кечган баҳслар мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Шиддатли курашларга бой, мурасасиз ўтган беллашувлар якунида умумжамоа ҳисобида 1-ўрин пойтахтлик ёш чарм қўлқоп усталарига насиб этган бўлса, қўқонликлар 2-ўринни банд этишди.

Турнир якунида голиб ва совриндорларга мусобақа мутасаддиларининг совринлари, эс

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРТАНДО
ДОМО БУЛАР...МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БҮСТОНИ

«Сўз»га қара, бу форс тилида «қуй» дегани, демак одам одам учун жон куйдириши ва «Оғиз»дан яхши сўзни чиқариб, жон «Оғиз»и бўлмоғи керак. Расул алайҳис салом: «Ал-қалимат ут-таййибату садақатун», яъни яхши сўз садақадир, дедилар.

Шуниинг учун ҳамки Расуллар шохи, Аллоҳнинг севгани, Ҳабибуллоҳи. Дедилар: «Яхши сўз бўлар садақа», Ҳаёлга бермагин асло тафриқа. Садақа балони қайтарар зинҳор, Садақа бердингми, нима гаминг бор?! Буюк фазилатга эга садақот, Бу ҳақда сўзлашимиз кўп аҳли сикот. Садақа фазлини ҳадиси шариф, Такрору такроран қилибди таъриф. Яхши сўз, демакки, садақа эрур, Ҳамлардан кишига омонлик берур.

«Садақа» сўзига бок, унда қасд ва ақдас сўзларини кўрасан. Демак яхши сўз айтишга «қасд» қилиш «ақдас», яъни муқаддасроқ ишлардан биридир. Чунки яхши сўздан одамнинг «қалби» шод бўлади ва у ўз эгасига қарата, ойдек «балқин», дейди.

Ширин сўзни асло қўймағил тилдан, Мана бу байтни эшит Бедилдан: «Бил ба даст овар, ки Ҳажжи акбар аст, В-аз ҳазорон Каъба як дил бахтар аст». (Бир дилни овлаки, Ҳажжи акбардир, Минггалаб Каъбадан бир дил бехтардир). Чунки Каъбатуллоҳ расуллар жойи, Каъбага етгандир уларнинг пойи.

Кўнгилни шод қилмоқ эса Аллоҳни шод қилмоқдир. «Кўнгил»га бок, унда ўнг ва гил (лой) сўзларини кўрасан. Демак кўнгилни шод қилган кишининг ишларини Аллоҳ «ўнг» қилади ва уни бадбахтлик «лой»идан қутқаради. Одамнинг қалби Аллоҳнинг жойидир. Агар «жой»нинг бошидан ўтсанг, «ой»га етасан.

Аммо одамзоднинг ичидида дил, Аллоҳ акбарнинг қароргоҳи бил. Одамнинг дилдан жой олмиш Аллоҳ, Бу сўзга қанча қайтарар гувоҳ. Демакки, бир дилни оғритса одам, Аллоҳнинг дилини оғритиш ул дам. Аллоҳнинг дилини оғритса киши, Билмадим, оламда не бўлар иши? Эй ўғил, яхши сўз тилдан тушмасин, Дилларни овламоқ дилдан тушмасин. Ҳадиснинг сўзига амал қил мудом, Каттаю кичикка кўрсат эҳтиром. Савобда ён боссин сенга тарози, Феълларингдан Расулим бўлсинлар рози. Дилларни овламоқ кўнгилни шод эт, Бу билан отангни дилин обод эт.

ХОТИМА

Сўз «хотима»га етиб келгач, «хома» ҳам «хат» ёзишдан тўхтади, сиёҳ ҳам «тома-тома» тамом бўлди, чопогон «отим» ҳам ожизликдан «мот» ҳолга тушди. «Қалам»ни эса чарчоқ «қамал» қила бошлади, охири «қалам»нинг ҳам боши синиб, натижада «алам»га айланди. Бироқ бу китобни тугатишга Аллоҳ тавфиқ ато қилгани учун дилдан «мадҳ» сўзлари отилиб чиқиб, Аллоҳга «ҳамд» айтишга тушди. Қалам хатим сари айлади хиром, Жума куни уни айлади тамом. Нўбёр ойида очди у никоб, Нур сочди ҳар ёнга гўёки офтоб. Ийлини билмоқчи бўлсанг ногаҳон, «Ҳайн»га қўшгайсан «вов»ни ўша он. Убайдуллоҳ ўғлим қилиб илтимос, Пайдо бўлди ушбу китобим мерос. «Фавоиди Убайдийа» қўйдим унга ном, Фойда олсин ундан яна хосу омм. Кимки уни ўқиб, бўлса агар шод, Маҳдумийни қилсин дуо бирла ёд!

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

ҲОЗИРГИ ЯНГИЛАНИШ
ЖАРАЁНИДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ
АҲАМИЯТИ АЛОҲИДАДИР.

Ҳар бир миллат қадриятининг узвий таркибий қисми ҳисобланган ахлоқий тарбия маълум одоб ва эътиқод, ишонч ва меҳр-муҳаббатнинг мажмуаси бўлиб, киши ўзини қандай тута билишида намоён бўлади. Жумладан, илгари ёшлар мактабни тугатиши билан баробар бирор-бир касбни (маҳаллан, ўғил бола ота хунарини, қиз бола

мувофиқ муҳитда тарбия кўриши ҳам аҳамиятга моликдир. Бироқ буни мутлоқ ҳақиқат ҳисоблаш ҳам қийин. Яхши муҳитда ўсатган бола ота-она назоратидан четда қолса, ёмон одам бўлиб вояга етиши ҳам мумкин.

Миллий бир анъанамизни олайлик. Халқимиз орасида «гап» ейиш одати кенг тус олган бўлиб, илгарилари ёшлар юриштиришни, муомалани ана шундай гап-гаштакларда, ўзига хос меҳмондорчиликларда ўрганишган. Бугунги кунда эса бу одати-

Мулоҳаза

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

онасиникини) эгаллаши анъана бўлган. Бошқача айтганда, хунар ўрганиш тарбиянинг узвий қисми ҳисобланган. Ҳўш, ҳозир қандай? Эндилкида ўрта мактабни тугатган ўғил-қизлар, агар бирор бир ўрта махсус ёки олий ўқув юртига кирмаса, иккиланиб қолиши тайин.

Қолаверса, ёшларда ўқишга, касб ўрганишга қизиқишининг сустлиги, ўз навбатида, устозга нисбатан ҳурмат-эҳтиромни ҳам сусайтириб қўйиши мумкин. Бундай ўзаро муносабат миллий анъаналаримизга зид кўринишдир. Албатта, шу ўринда тарбиянинг ҳамма жиҳатларини изоҳлашнинг имконияти йўқ. Аммо ота-онага, устозга, эл-юртга, халққа бўлган ҳурмат миллий тарбиянинг ажралмас қисми бўлганлигини бола ота таъкидлаш керак.

Тарбияда, шубҳасиз, муҳитнинг аҳамияти катта. Демак, ёшларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишида уларнинг шунга

миз унутилиб кетаёзди ёки, аниқроғи, моҳиятан ўзгариб, ичкиликбозлик воситасига айланиб бормоқда.

Қадимдан миллий тарбия масканларидан бири бўлган чойхоналаримиз ҳам, очигини айтганда, ўзининг асл қиёфасини йўқотган чоғи. Ҳозир чойхоналар кўпроқ моддий фойдани кўзлаб ташкил этилаётгани, унинг маънавий-тарбиявий аҳамияти эса эътиборга олинмапти.

Хулоса шуки, миллий маданиятни ва тарбияни мутлақо ўзгармайдиган нарсаси деб тушуниш ярамайди. Макон ва замонамиз барча ўзгаришлар тарбияга, умуман маданиятга ҳам тааллуқлидир. Аммо бунда миллий ўлчовни унутмаслик керак. Зеро, миллатнинг муҳим бойлиги — халқнинг маънавий қиёфасидир.

Ёқутхон СУЛАЙМОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети
журналистика факультети талабаси.



Таълим

БОЛАЖОНЛАР
МАҲОРАТЛАРИНИ
КЎРСАТИШДИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ, БЕЛТЕПА ДАҲАСИДА
ЖОЙЛАШГАН 316-МАКТАБНИНГ 1-«А» СИНФИДА 37
НАФАР БОЛА ТАҲСИЛ ОЛАДИ. УЛАРНИНГ БАРЧАСИ
ҲАРОЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИБ, СУРАТЛИ МАТНЛАРНИ
ЎҚИШГА ЎТИШДИ.

Таърибли педагог Гулнора Лутфуллаева синф раҳбари сифатида таълим-тарбия бераётган ушбу синфда ўтказилган «Алифбе байрами»га ҳам пухта тайёргарлик қўрилди.

Шуниси қувончлики, тадбирда барча болалар иштирок этишиб, ўзларига берилган ҳарфларга бағишланган шеърларни ёдлашди, ашулалар айтишиб рақсларга тушишди. Айниқса болалар ижросидаги «Дўппи тижими», «Наҳри нашта» қўшиқлари, хоразмча ва арабча рақслар тадбирга йиғилганлар кўнгилларига завқ бағишлади.

— «Алифбе байрами»да айниқса ўқувчилардан Аббос Йўлдошев, Рўхсора Маҳмуджонова, Гулсал Ҳусайнова, Шамсияхон Риксидоева, Мурод Тоиров, Абдувоҳид Мирзохидовлар фаол қатнашди, — дейди биз билан суҳбатда синф раҳбари Гулнора Лутфуллаева.

Тадбир сўнггида болажонларга Қорбонбегов соғвонлари топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: 316-мактабда бўлиб ўтган «Алифбе» байрамидан лавҳалар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

БОҒЛАРИМИЗ
ЧАМАНЗОРГА АЙЛАНДИ

ОНА ЮРТИМИЗ ҚАДИМ-ҚАДИМДАН БОҒУ РОҒЛАРГА КОН БЎЛГАН. НЕҒАКИ ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ҚАЕРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛИШМАСИН, ҚИРДАМИ, ЧЎЛДАМИ ҚУДУҚ ҚАЗИБ СУВ ЧИҚАРИБ, ДАРАХТ ЭКИБ ОБОД ҚИЛА БОШЛАШГАН. БУ АНЪАНА АВЛОДДАН АВЛОДГА ЎТГАН. ШУ ТУФАЙЛИ ЮРТИМИЗДА БИР-БИРИДАН ГЎЗАЛ БОҒЛАР РЎЁБГА КЕЛГАН. ЎТГАН-КЕТГАНЛАР ЕТИЛГАН ХИЛМА-ХИЛ МЕВА-ЧЕВАЛАРДАН ТОТИБ КИМ ЭККАН БЎЛСА ХАМ УМРИДАН БАРАКА ТОПСИН ДЕБ, ДУО ҚИЛИШГАН.

Ўзбекистоннинг қаерига борманг албатта инсон бахри-дили ором оладиган боғларни кўриб ич-ичингиздан қувонасиз. Айниқса Тошкент маданият ва истироҳат боғлари макони. Шулардан бири Мирзо Улуғбек номидаги боғдир. Халқимиз бу маданият ва истироҳат боғини жуда яхши кўради. Чунки боғда дам олувчилар учун керак бўладиган ҳамма шароитлар муҳайё бўлиб, у йилдан йилга янада обод бўлиб бормоқда. Боғда йилгирмадан ортқ замонавий ўйингоҳлар мавжуд бўлиб, стадион, югуриш йўлаклари, енгил атлетика, футбол, волейбол, шахмат павильони, оғир атлетика, спорт турлари бўйича секциялар мунтазам ишлаб турибди. Уларнинг атрофлари манзарали дарахтлар билан ўралган. Неча юзлаб манзарали дарахтлар гурираб ўсаяпти. Ҳар йили баҳорда гул қўчалари, манзарали дарахтларнинг гулларлари, оғир атлетика, спорт турлари бўйича секциялар манзарали дарахтлар билан бирга мевали дарахт қўчаларини ҳам эка бошлади. Бу олма, олча, ўрик, беҳи, шафтоли, жийда, ёнғоқ ва хурмо қўчалари бўлиб уларнинг умумий сони 300 га яқинлашиб қолди. Эндилкида бу дарахтлар ҳосил бормоқда. Улардан боғимизнинг ишчи-хизматчиларидан тортиб дам олишга келганлар ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Боғда қанчалик гул ва дарахт-

лар кўп бўлса шунча яхши. Дарахт кўп бўлган боғ соя-салқин бўлади. Бундай жойларда ҳаво тоза бўлиб мириқиб дам олишга нима етсин.

Чиройли боғлар ҳаммага ёқади. Навоий ва Бобур каби буюк шоирларимиз кўзларини қувонтирган боғларни ўз ғазалларида мадҳ этганлар. Биз боғимизни янада обод қилиш учун доимо ҳаракат қиламиз. Яқинда боққа арчанинг қарағай навидан уч юз тул, можжевельниги навидан 255 тул, туя навидан 300 тул, жами 855 тул экилди. Бу янги арча қўчаларимиз ёш бўлсада боғ ҳуснига янада хусн қўшиб турибди. Боғимиз боғбони Аваз Маждидов ишчи-хизматчиларимиз Икром Фармонов, Камол Абдусатторов ҳамда Дилмурод Абдуазимов сингари меҳнатсевар, табиатни чин дилдан севадиган кишилардир. Улар экиладиган ҳар бир қўчатга меҳр билан қараб, уларнинг яхши ўсиши учун қайғурадilar. Шундай қилиб дов-дарахтлар саломатлигини яшил белбоғлари экан, демек экилган дарахтларни эҳтиёт қилиб боғни ҳақиқий чаманзорга айлантириш бизнинг инсоний бурчимиздир.

Ато УМУРОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбарининг ўринбосари

ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИЧА
УСУЛИ

ни аниқлаш ва эрта ташхис қўйиш маркази ташкил этилди. Ўзининг ихтисос йўналиши бўйича МДХ давлатлари орасида Москва ва Санкт-Петербургдан кейин учинчи ўринда турувчи бу марказга соғлиқни сақлаш аълочили, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Самат Раҳимов раҳбарлик қилмоқда.

—Ушбу марказнинг ташкил этилиши соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, чунки, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш, профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш ва жамоатчилик саломатлигини муҳофаза қилиш билан чамбарчас боғлиқ мақсад ва вазифаларга тўла мос келади, — дейди Зулфия Тухватуллина. — Марказда терининг онкологик касалликлари эрта аниқлаш, тери шифокорлари ва барча ихтисосдаги врачларнинг онкология соҳаси бўйича хабардорлигини янада оширишда зарур бўлган тавсияномалар ишлаб чиқилад.

3. Тухватуллинанинг таъкидлашича, ҳозиргача оммавий диагностика ёрдами ташкил этиш, тери лимфомалари, Капоша саркомаси ва бошқа турдаги тери касалликлари билан хасталанган беморларни даволашга оид усуллар охиригача ишлаб чиқилмаган эди. Ишнинг янгилиги ҳам шунда. Республикада биринчи марта тери лимфомалари билан касалланган

беморларни узоқ вақт диспансер назорати ҳусусиятлари яхлит таҳлил қилинди, бирламчи ва иккиламчи профилактика чоралари тақлиф этилди. Шунингдек, текшириш алгоритмлари батафсил (баён қилинди) ёзиб чиқилди, арид (қуёш мўл бўлган) минтақадаги шундай касалликлари аниқлаш ва даволаш йўллари баён қилинди. Тери касалликлари ўз вақтида аниқлаш ва даволаш учун дерматолог иштирокида аҳолини ҳар йили диспансеризациядан ўтказиш мақсада мувофиқ эканлиги исботланди. Қатор ўқув қўлланмалари ва услубий тавсияномалар нашр қилинди. Бу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда. Марказдаги мутахассисларнинг юқори маънаси ва замонавий асбоб-ускуналар ўта мураккаб лаборатория тадқиқотларини муваффақиятли амалга ошириш имконини бормоқда.

—Муаммонинг ихтисомий ҳаётига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни, дерматологик касалликлари аниқлашда лаборатория тадқиқотлари берилган амалга оширилади. Бу айниқса, кам таъминланган оилалар учун яна бир қулайликдир. Тошкентлик мутахассисларнинг илмий ютуқлари тери ўсма касалликлари бўлиб авж олишининг олдини олиди, касаллик асоратларининг қамаллиши, шунингдек беморларнинг меҳнатда лаёқатини сақлаш ва ҳаётта мослашишга яқиндан ёрдам беради, дейди Зулфия Тухватуллина.

«Турист-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедралар бўйича бўш ўринларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1.Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедрасига:
 - профессор 2 нафар;
 - доцент 4 нафар;
 - катта ўқитувчи 2 нафар.
- 2.Педагогика, психология ва педагогик ме-нежмент кафедрасига:
 - профессор 2 нафар;
 - доцент 2 нафар;
 - катта ўқитувчи 2 нафар.
- 3.Табийи ва амалий фанлар кафедрасига:
 - кафедра мудири 1 нафар;
 - профессор 1 нафар;
 - доцент 1 нафар.
- 4.Тил ва адабиёт кафедрасига:
 - профессор 1 нафар;
 - катта ўқитувчи 4 нафар.
- 5.Математика, информатика ва физика ка-федрасига:
 - профессор 1 нафар;
 - доцент 1 нафар;
 - катта ўқитувчи 1 нафар.
- 6.Мақтабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедрасига:
 - кафедра мудири 1 нафар;
 - профессор 1 нафар;
 - катта ўқитувчи 6 нафар.

Хужжатлар Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Д.Кунаев кўчаси, 14-уйда — мўлжал: 72-мактаб биноси, 3-қаватдаги 309-хонада эълон қилинади. Тақдим этиладиган хужжатлар: ректор номига ариза, диплом, паспорт ва меҳнат дафтарчасидан нусха, тавсифнома. Мурожаат учун телефонлар: 361-54-90 (қабулхона), 361-54-92 (кадрлар бўлими)

«ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ
Буюртма Г- 07

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очик аукцион савдоларига тақлиф этади.
2007 йил 20 феврал кунини соат 11-00да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган ҚУЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА КЎЧМАС МУЛК ҚЎЙИЛМОҚДА:

Бошланғич баҳоси — 1 153 726 сўм.

3. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 23 ноябрдаги 10-614(20)/10331-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "NIGSA" МЧЖ ҳисобида бўлган, Тошкент шаҳар Миробод тумани, Афросиёб кўчаси 12-уй манзилида жой-

лашган, 2002 йилда қуриб битказилган, маиший хўжалик мажмуаси, дўкон ва офис хоналаридан иборат 5 қаватли ҳамда ертўласига эга бўлган умумий майдонини 3350 кв.м. бўлган бино.

Бошланғич баҳоси — 1 000 000 000 сўм.

2007 йил 20 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган мулклар ва автотранспорт воситалари 2007 йил-

нинг 22, 27 феврал 1, 6, 13, 15, 20, 22, 27, 29 март ҳамда 3, 5, 10, 12, 17, 19 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошлангичидан бир кун олдин соат 16:00да тўхта-тилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва jisмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг (савдо ташкилотчисининг) қўйидаги; АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги х/р: 20210000500571452057, МФО: 00425, ИИН 200933850 жисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Телефонлар: 399-84-48, 399-79-52, 144-44-73, 144-44-72.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди»

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.